



Алишер Навоий ижоди куръоний мавзуларни ёритиши жихатидан ўзбек мумтоз адабиётида алоҳида ажралиб туради.

Отаси Гиёсиддин Мухаммад ўглига Мухаммаднинг (алайхиссалом) саҳобаларидан Ҳазрати Али (розийаллоху анху) номини берди. Алишер исмининг иккинчи қисми ҳам Ҳазрати Ачига дахлдордир. Жаноби Пайгамбаримиз Ҳазрати Алининг мушриклар билан бўлган жангдаги жонбозлигини кўриб: «Али — Аллохнинг шери», дер эканлар. Шоирнинг тўлик исми Мир Низомиддин Алишер Навоий деб юритилади. «Мир» сўзи амир сўзининг қисқарган шакли бўлиб, шох саройидаги амал-мансабни ифода қилади. «Низомиддин» эса диннинг йўл-йўриқларини белгиловчи маъносини беради.

«Навоий» шоирнинг таҳаллуси бўлиб, наво сўзи «қуй», «бахт», «сайраш», «бахра» маъноларини беради. Навоийшуносликка оид китобларда шоир таҳаллуси «қуй» сўзидан олинган деган нотўғри фикр бор. Шоир ўз таҳаллусини «бахра» сўзидан олган. Бу ҳақда

унинг ўзи бундай деган:

Дахр богида бўлиб комим раво,
Комронлар топди назмимдин наво.

Бутун умрини элга бакра, фонда етказишга бағншлаган шоирнинг «бахра» сўзини тахаллусига асос қилиб олгани Ислом гоёларига мое келади. Шоирнинг иккинчи тахаллуси ҳам шундай маънолар билан боғлиқдир. Куръони каримда таъкидланишича, бу дунё - ўткинчи, синов учун яратилган дунё. Шунинг учун шоир ўзига «Фоний» тахаллусини танлаган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи бундай ёзган:

Файз етгач ул маонийдин менго,
Топди белгу назм фонийдин менго.

Алишер болалик чоғлари кўп китоб ўқиди. Эски мактаб, мадрасада Куръон суралари ёд олинар, кироат усуллари ўргатилар эди. Демак, Алишер болалик чоғлариданок Куръони каримни ёд олди. Унинг қувваи хофизаси жуда кучли эди. Шоир болалигида Куръондан ташқари Фаридуддин Атторнинг «Мантикут тайр» достонини ҳам ёд олган. Навоий йигитлик чоғлари 50 минг байт газални ёд билган.

«Мантикут тайр» достони бу дунёнинг ўткинчилигини, чинакам бахт Аллох жамолига эришиш эканини тасвирловчи достон эди. Бу достон Навоий дунёкарашининг шаклланишида жуда катта омил бўлди. Навоий Самарқандда ўқиш чоғлари тасаввуф илмининг йирик вакили Хўжа Ахрор билан учрашди. Бу учрашув, ундаги суҳбатлар оқибати шу бўлдики, Навоий тасаввуф томон юз бурди, накшбандия тарикатини қабул қилди.

Навоийнинг хар бир фаолияти Куръони карим ояти карималарида қайд этилган фикрлар билан мос келади. Бақара сурасининг 110-оётида «Намозни қоим қилинг, закот беринг, ўзингиз учун қилган яхшиликни Аллох ҳузурда топасиз», дейилган. Навоий намозни ҳамиша қоим қилган зотдир. «...Бу обидлар ва бандалар панохининг жума намозини ва бошқа намозларни жамоат билан ўташда гайрати шу даражага етган эдики, Маргани богида гоётда зийнатли бир масжид бино қилиб, ўз замонининг атоқли қориларидан Хожа Хофиз Мухаммад Султоншоҳни имом белгилади ва ўзи у ерда беш вақт намозга ҳозир бўларди».

Навоий Ўрта Осиё ва Хуросонда Хўжа Ахрордан кейинги бой-бадавлат одам эди. Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шохрухий динор эди. Навоий бу бойликни масжидлар, мадрасалар, кўприқлар қуришга, мискинларга емак ва қийим-бош беришга, таланти кишиларни қўллаб-қувватлашга, хуллас, эл-юрт ишларига сарф қилган.

Навоий Хусайн Бойқаро ҳазинасидан ойлик ҳам олмаган. Аксинча, ўзи хар йили Хусайн Бойқарога катта-катта тортиқлар қилиб турган.

Навоий бу ҳақда шундай деган: «Бир оз нима зироатга иштиғол кўргуздим. Чун ул ишимда қила олгонча инсоф тарафи малхуз эрди. Тенгри иноятидин кўп махсуллар

хосил ва ганиматлар восил бўла киришди. Бу жумладин, ўз маошимга соири авомдин бирининг маоши ўткунча иссик-совук дафъи учун бирор тўн, доги мунча муносиб емакка кониъ бўлуб, колгонким баъзисин элнинг келиш-боришига ва навкар ва мутаалликлар улүфасига ва черик ярогига сарф килдим ... ва баъзиниким, жамъи маунот ва барча таклифотдин ортди, букон хайр бино килдим».

Навоийнинг замондоши Давлатшоҳнинг ёзишига кўра, Навоийнинг вакфларга ва биноларга сарф киладиган маблагги юз туман кепакига баравардир.

«Холисия» хонахоҳида хар куни мингдан зиёд мискинга овкат таркатилган, хар йили мухтожларга 2 мингга якин пўстин, чакмон, кўйлак-иштон, ковуш улашилган.

Бакара сурасининг 265-оятда: «Молларини Аллох ризолигини истаб, самимий дилларидан чиқариб сарф киладиган кишилар адирдаги бокка ўхшар: унга жала куйгач, хосилнииг икки баравар етиштирар», дейилган. Навоий бутун бойлигини эл-улус манфаати йўлида сарф килган. Хондамир, бундай ёзади: «Чунончи, бу ислом таянчларини юкори кўтариб мустахамлаш намозда коим бўлишга харакат килиш эди, закот ва садакалар адосига хам саъй ва гайрат кўрсатиш эди, балки бу сўзларни ёзувчининг ишончи шудирки, хеч қачон ул хазратнинг хазинасида йил давомида закот бериш вожиб бўларли микдордаги маблаг тўпланиб турмасди. Чунки мулозимларнинг кўлига нимаики тушса, тездан кишиларга инъом бериш йўли билан сарф килинар ёки хайрли бинолар барпо килишга кетарди».

Куръони карим Хаж сурасининг 26, 27, 28, 29-оятларида хаж ҳукмлари келган. Бошқа сураларда хам бу ҳақда оятлар бор. Жумладан, 27-оятда бундай дейилган: «Одамлар орасида (юриб уларни) хажга чорлагин! (Шунда) улар сенга (Каъбага) пиёда ва хар қандай туяда узок йўллардан келурлар».

Навоий «Сирож ул-муслимин» китобида хаж амали хақида бундай ёзган:

Бешинчи рукн билгил хажи ислом,
Чу фарз ўлди адоси келди ноком.
Вале фарзиятида шартлар бор,
Кулок тутким, килай борини изхор.
Биров улким, иститоат бўлса мавжуд,
Анга тегруки, килдинг ани максуд.
Яна бир шарт йўл амнияти бил,
Бу чун мавжуд ўлур хаж нияти кил.
Яна гар дайн йўк бўйнунга лозим,
Сайга бўлмок бўлур ул йўлга озим.
Яна гар йўк аёлингдин маунат
Ки, ул кўргай маош учун суубат.
Яна гар бермади жисмингда сонёъ,
Мараз андоки, бўлгай йўлга монёъ.
Бу махзурот гар йўк тебра филхол,
Ўзунгни дўст кўйи тавкига сол.
Неким фарз ўлди бўйнунгда адо кил,
Етиб максадка комингни раво кил.

Навоийнинг хаж сафарига отланиши, лекин боролмаслик сабабларини Хондамир бундай шархлаган:

«... Ул хазратда ўсиб-ўниш кунлари бошланишидан то хаётининг охириги дамларигача бошида ислом хажини ўташ хаваси ва хотирида пайгамбар қабрини зиёрат қилиш жойлашган эди. Хар доим имкон борица бу бобда харакат қиларди ва узлуксиз тилга қелтириб ва ўз ҳолати билан бу икки байтни ифодалар эди.

Кай бувад, ёраб, ки рў дар Ясрибу Батхо кунам,
Гах ба Макка манзилу гах дар Мадина жо кунам.
Бар қанори Замзам аз дил бар кашам як замзам,
В-аз ду чашми хунфишон он чашмаро дарё кунам.

Таржимаси:

Ё раб, Ясриб билан Батхога қачон бораркинман?
Гох Маккада турсаму гох Мадинада жойлашсам.
Замзам атрофида юрак таронасини қуйласам,
Қон сочувчи икки қўзимдан у чашмани дарё қилсам.

Неча бор бу сафарга рухсат олиш учун муборак оёғини узангига қўйиб, тўғри томонга (подшо ҳузурига) йўлланар, хар бор соҳибқирон илтимоси билан қайтар ва бу истакнинг юзага чиқишидан чекланар эди».

Навоий уч марта хаж сафарига отланган. Икки марта шох турли баҳоналар билан рухсат бермагач, учинчи марта юзма-юз айтишга андиша қилган гапларини хат орқали баён қилади. Хусайн Бойқаро ҳам Навоийга хат орқали жавоб беради. Жумладан, бундай дейди: «Сиз Хуросонда турар экансиз, хар қандай илтимосингиз бўлса, ҳурмат билан қабул қилинади. Мен шуни жуда аниқ биламанки, агар бу давлат сизнинг шарофатли вужудингиздан холи бўлса, айрим шахслар ва халқ орасидаги ўзбошимчалик аҳвол ихтилофга айланиб кетади».

Хуллас, Хусайн Бойқаро рухсат бермагани сабаб Навоий хаж сафарига бора олмаган.

Исро сурасининг 37-оятда: «Ер юзида қибру хаво ила юрма», дейилган. Навоий ана шу ояти қаримага асосан, хаж сафарига бора олмагач, подшо фармони билан Ансорий қабрига жузвқашликка (сув сепувчи, супурувчи) тайинланади. Навоийнинг бутун хаёти Қуръон гоёлари асосига қурилган.

Низомиддин Алишер Навоий ижоди ҳам Қуръон ояти қарималари билан зич алоқададир. Навоий поэзиянинг бош вазифаси Аллохни мадҳ этишдан иборатдир, дейди. Аллохни васф этиш, Аллохни зикр қилиш пайгамбарлардан меросдир. Довуд (алайҳиссалом) тасбех айтганида, тоғу тошлар, қушлар ҳам Аллохга тасбех айтишган. Зақариёни (алайҳиссалом) қофирлар дарахт билан арралаб ташлашганида ҳам, Аллох зикрини айтишдан тўхтамаган. Аюб пайгамбарни синаш учун Аллох унинг баданига яра тоштириб юборган. Шунда ҳам Аюб пайгамбар: «Аллохим, тилимга яра тоштирмагин, токи

зикрингни айтолмай колмайин», деб илтижо килган.

Навоий барча асарларининг «Дебоча» кисмида, хамд бобида Аллох таолони мадх этади. Жумладан, «Лисонут тайр» достонида Семург тимсоли оркали Аллохни мадх этади:

Сизга Шохе бор бешибху мисол,
Васфини айтурда юз минг нутк лол.
Ул якин сизгаву сиз Ондин йирок,
Васл Анга айну, вале сизга фирок.
Хар киши бўлса тирик Ондин йирок,
Ул тирикликдин ўлим кўп яхширок.

«Хайратул аброр» достонида бундай ёзган:

Аввал ўзинг, охиру мобайн ўзинг,
Барчага холик, бориға айн ўзинг.

Рахмон сурасининг 14-оятида: «Инсонни сополға ўхшаш куриган лойдан яратди», дейилган. Инсонни тупрокдан яралганини бугунги илмий тажриба хам тасдиқламокда. Тупрокда кандай моддалар бўлса, инсонда хам ўша моддалар мавжуд. Тупрокда карбон, кислород, фосфор, азот, калий, хлор, темир, мис, йод каби 20 хил модда бўлса, булар инсон жисмида хам мавжуддир.

Исро сурасининг 70-оятида бундай дейилган: «Батахкик, Биз Бани Одамни азизу мукаррам килиб кўйдик ва уларни куруклигу денгизда (уловила) кўтардик хамда уларни пок нарсалар ила ризклантирдик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлако афзал килиб кўйдик».

Инсоннинг азизу мукаррам килиб яратилгани гоёси Навоийнинг «Хайратул аброр» достонида бундай акс этган:

Мунча гаройибки мисол айладинг,
Барчани миръотга жамол айладинг.
Ганжинг аро накд фаровон эди,
Лек боридин гараз инсон эди.
Конию хайвони, агар худ нобот,
Хар бири бир гавхари олий сифот.
Барчасини гарчи латиф айладинг,
Барчадин инсонни тариф айладинг.

Навоий Аллох таоло азизу мукаррам килиб яратган инсонга севгисини бундай баён килади:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Хар неники севмок ондин ортик бўлмас,

Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Шоирнинг «Ситтаи зарурия» касидалар тўпламидаги «Рухул-қудс» касидасида Аллох таоло васф этилади. Навоийнинг талкинича, дунё ва ундаги бутун мавжудотни факат Аллох яратган. Улар якка-ягона Худонинг кудрати туфайли йўқдан бор бўлганлар ва бордан йўқ бўладилар. Кучлиларни кучсиз, заиф ва забун этувчи, кучсизларни эса кучли этувчи ҳам Аллохдир.

Навоий инсоннинг яратилиши хақида ёзади:

Чу соз карди таркиби жисми инсони,
Зи хок таъбияи сохта ба зебу бахо
Чу аз заминаш бардошти ба сад эъзоз
Ба мартаба гузаронди зи торами хазро
Ба хоки жисмаш борони рахмат афшонди,
Каз он мулоямат овард тинаташ пайдо.
Ба дасти хикмати худ карда тинаташ тахмир,
Се зидди дигараш афзуда аз ажойибхо.
Чахор зидро карди ба якдигар таркиб,
Ки хоку оташ буд онгах об буду хаво ...
Хавоси зохирияш низ чун, ки карди рост,
Зи нури акл ба кохи димог тофт зиё.
Гариб пишваре орасти зи шахри бадан,
Ки мулк то малакут он чи хаст, хэст онжо.
Дар у нишониди дилро ба тахти султони,
Ки шуд ба расми салотин хидави мулқаро.
Хират вазорати он шахро муайян шуд,
Гадоё шоху вазирон камина банда туро
Бас он гахе ба улумаш чу рахнамун гашти,
Нажуст карди таълими, алламан - «асмо».
За илми маърифат аш чунки бахравар карди,
Малоикаш ба сужуд амоданд абдосо.
Зи офариниши худ он чи кардан мавжуд,
Уюну бахру жиболу нужуму арзу само.
Дар он а жуба намундори аз хама карди,
Амонатро ҳам додият ба расми хаоро.
Чу гашт мазхари кул баъд оз он лакаб додеш
Чу миёни мохалакуллох олами кубро.

Таржимаси:

Сен инсон жисми таркибини соз этганинда,
Тупрокдан чиройлик ва кимматбахо нарса яратдинг.
Уни тупрокдан кўтардинг юз эъзоз билан,
Унинг мартабасини кўк осмон гумбазидан юкори кўтардинг.
Жисми тупрогига рахмат ёмгирини ёгдирдинг,
Шу туфайли унинг табиатида мулойимлик пайдо бўлди.

Химмат кўлинг ила унинг табиати хамирини оширдинг.
Яна унга уч зиддиятли ажойибларни кўшдинг,
Тўрт зиддиятни бир-бири-ла таркиб этдинг.
Улар тупрок, ўт, сув ва хаводир ...
Инсоннинг вужуди гўзаллик билан безатилгач,
Унга жон бахш этдинг.
Зохирий хавасларини рост айлаганингдан кейин
Акл нуридин мия касрига зиё таркалди.
Бадан шаҳрида ажойиб мамлакат оро бердинг,
Унда мулкдан малакунга қадар ҳамма нарса мавжуддир.
Унда Сен дилни султонлик тахтига ўтказдинг.
У султонлар каби мулк ҳукмрони бўлди.
Акл ул шохнинг вазоратиға муайян этшди.
Гадо-ю шоху вазирлар ҳаммаси Сенга бандадирлар.
Ундан кейин Сен уни илмға раҳнамул этдинг.
Биринчи таълимда ўқишни танитдинг.
Уни илми маърифатдан баҳравар қилганингдан кейин
Малоикалар амринг ила унга сажда қилишди.
Яратган нарсаларинг ичида
Булоқлар, денгизлар, тоғлар, юлдузлар, ер ва осмон бўлиб,
У ажубада ҳамма нарсани кўрсатдинг.
Махфий равишда ўз омонатингни ҳам ҳам уларға бердинг.
Бутун борлик пайдо бўлгач, Сен (инсонға) лақаб бердинг,
Яратилган мавжудотлар ичида (инсон) энг улуг оламдир.

Навоий Куръони қарим таъсирида «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарини ёзган. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Одам атодан тортиб, Нух, Исо, Яъқуб, Сулаймон, Юсуф, Довуд ва бошқа пайгамбарлар ҳақида маълумотлар берилади. Хар бир қисса охирида рубойи берилиб, хотима ясалган.

Навоий Куръон таъсирида «Сирож-ул муслимин» номли китоб ёзди. Бу китобда шариат аҳкомларини, Аллохнинг саккиз сифатини англаганидан сўнг, Ислом асосларини назмда баён этади.

Шоир Аллохнинг қодирлиги, барча мавжудотнинг яратувчиси экани, Унинг муқаддас китоби - Куръонни билиш, пайгамбарларни эътироф этиш, авлиёлар қаромати, қиёматға ишониш, сирот, мезон, жаҳаннам ва жаннат, пайгамбар шафоати, шунингдек, Ислом қонунларини билиш, озодалик, намоз фарзлари ва суннатлари, закот, рўза ва ҳаж масалаларини қисқача шеърий баён этади.

Жосия сурасининг 7-оятда: «Хар бир ёлгончи гуноҳкорға ҳалокат бўлсин», дейилган.
Зориёт сурасининг 10-оятда: «Ёлгончиларға лаънат бўлсин», дейилган.
Навоий «Хайрат-ул аброр» достонида ростгўйликни улуглайди, ёлгончиликни қоралайди. Достоннинг ўнинчи мақолатида шундай фикрларни ўқиймиз:

Улки шиор айлади ёлгон демак,

Бўлмас ани эру мусулмон демак.
Кимсага ёлгончи дебон колса от,
Бу от ила чорласалар ўзу ёт.
Сидк хитоби яна ёнмас анга,
Чин деса хам, халк инонмас анга.
Неча зарурат аро колгон чоги,
Чин демас эрсанг, дема ёлгон доги.

Шоир «Шер ва Дуррож» хикоятида ёлгончи Дуррожнинг фожиавий ахволи оркали ёлгончиликни коралайди.

Ахкоф сурасининг 15-ояттида: «Биз инсонни ота-онасига яхшилик килишга буюрдик», дейилган. Навоий фарзанднинг ота-онани эъзозлаши зарурлигини шундай уқтирган:

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисми кил садка ано бошига.
Туну кунингга айлагали нуриош,
Бирисин ой англа, бирисин куёш.

Раъд сурасининг 17-ояттида бундай дейилган: «(Аллох) осмондан сув (ёмгир) ёгдирганида жилгалар миқдори билан оқиб, (бу) сел ўз устида кўникларни хам кўтариб келур. (Одамлар) зеб-зийнат ёки асбоб-ускуна (ясаш) учун ёкадиган (олов)лардан хам шунга ўхшаш (чиқинди пайдо) бўлур. Аллох хак билан ботилни (мана шундай мисол билан) баён килур. Бас, кулик ўз-ўзидан йўк бўлиб кетур. Одамларга фойдали бўлган нарса эса Ерда колур. Аллох мисолларни мана шундай баён килур».

Бу оятни хадисда бундай шархланади: «Мен билан юборилган хидоят ва илм бамисоли ерга ёккан ёмгирдир. Ер хам турли бўлади. Сувни яхши қабул қилиб, ўзидан хар хил гиёхларни ундирадигани хам, аксинча, сувни қабул қилмайдиган, бирор гиёхни ундирмайдиган курук-бўз ерлар хам бўлади. Шунга ўхшаш Аллох дини ва мен келтирган ишларни ўрганиб, унга амал қилиб, бошқаларга хам ўргатадиган қишилар бўлганидек, илм ва хидоятни қабул қилмайдиган кимсалар хам бўлади».

Шеърятда ихтибос деган санъат бор. Бу санъатнинг моҳияти шундаки, Куръон оятлари мазмуни, хадислар мазмуни шеърга солинади. Навоий ана шу санъат воситасида юқоридаги оят ва хадис мазмунини шундай шеърга солган:

Гарчи куёшдин парвариш ер юзини ом килур,
Сахрода кумгогу тикан, бўстонда сарву гул битар.

Куёш бутун ер юзига тенг нур сочса хам, сахрода кумгогу тикан, бўстонда сарву гул битади.

Юсуф сурасининг 3-ояттида: «Биз Сизга ушбу Куръон (сураси)ни вахий қилишимиз билан бирга гўзал қиссани айтиб берурмиз», дейилган. Бу гўзал қисса Навоийни хам мафтун этган. У «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Юсуф (алайхиссалом) тарихини берган бўлса-да, бу пайгамбар қакида дoston хам ёзмокчи эди.

Куръони каримда «Лавхул махфуз» хакида тушунчалар бор. Бу манбада Аллох барча мавжудотлар такцирини ёзиб кўйган. Аллохнинг хохишисиз ҳеч нарса бўлмайди. Навоийнинг Саид Хасан Ардашерга ёзган хатида ана шу маъно ўз ифодасини топган:

Сафар тушти оллимга беихтиёр,
Казо амрида элга не ихтиёр.

Моида сурасининг 90-оятида хамр (ичкилик) харом экани укгирилиб, бандаларни ундан узок бўлиши лозимлиги айтилган. Навоий шаробни «уммул хабоис», яъни барча ёмонликлар, фалокатлар онаси деб атаган. «Хайратул аброр» достонида шундай ёзган:

Хар кишики килса бу сувдин тараб,
Хона сиёҳ ўлмоги эрмас ажаб.
Сув демагин оники бир ўт эрур,
Ким етти, кўп хирмонни куйдирур.

Навоий «Хайратул аброр» достонида тарбия масаласига тўхталади. Одатда итнинг огзи теккан таом харом саналади. Аммо овчи ит тишлаб келган куш халол саналиб ейилади. Овчи итнинг бошка итлардан фарқи шундаки, у тарбия кўргандир.

Итга таълимда чу бўлди камол,
Сайд онинг огзида ўлди халол.

Куръон ояти карималарининг таъсири «Хамса» таркибидаги барча дostonларда сезилиб туради. Бу умуминсоний гоёлар шоирга илхом берган, уларни турли шаклларда ўз дostonларида ифода этган. Жоҳилият даврида Абу Жаҳл каби оталар кизларини тириклай ерга кўмишган. Оталар характеридаги бу шафкатсизлик, бу жаҳолат Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги Лайлининг отаси характери оркали кўрсатилиб, унинг характеридаги бу кабохат каттик кораланган.

Лайлининг отаси кизи Кайсни канчалар севишини билса-да, ўзидан паст оилага киз беришдан ор килади. Бошка кабила бошлиги — Навфал Кайсни бахтиёр килмокчи бўлади. Аммо Лайлининг отаси Навфал совчи бўлиб келсахам, Кайсга кизини бермайди. Навфал жанг килиб бўлса хам, Лайлини Кайсга олиб бермокчи бўлади. Лайлининг отаси шу кадар жоҳилки, мабодо Навфал галаба килса, кизини дархол ўлдириш учун жаллод тайёрлаб кўяди.

Ким тонг-ла ул ойни козир айлай,
Бир дамда ишини охир айлай.
Ўк игнасида тикай либосин,
Ханжар суйидин эзай хиносин.
Туфрокка солай кади ниҳолин,
Ерга кижурай коши хилолин.
Хушрокки адувга ком бўлгай,
Номус менга харом бўлгай.

Куръони каримнинг Кахф сураси 13-оятидан бошлаб Зулкарнайн хакида киеса келади. Унинг яшаган жойи, замени хакида эмас, килган ишлари хакида маълумотлар айтилади. У Магрибдан Машриккача бўлган жойларни забт этган. Яъжуж ва Маъжужлар чикадиган икки тоғ орасига девор барпо килади. Девор куришда темирни эритади, унинг устига мисни эритиб куяди. Мис аралашган темир коришмаси мустахам бўлиши фанда якинда кашф этилди.

Куръонда зикр этилган Зулкарнайн билан Филипп ўгли Александр тарихи ўртасида ўхшашлик бўлгани учун китобларда чалкашликлар бор.

Навоий Низомий Ганжавий ва Хисрав Дехлавийдан сўнг «Хамса» яратиб, Куръон маълумотлари, устозлари асарларига таянган холда, Искандар (Зулкарнайн) тимсолини яратди. Навоий Искандар тимсоли оркали ўз замонасининг муҳим ижтимоий масалаларини ифода этди. Навоий учун Искандарнинг жахонгирлиги, шон-шухрати эмас, халк манфаатини кўзлаб, Яъжуж-Маъжужлар чикадиган тоғ орасига курган девори муҳимдир. Шунинг учун унинг бу ишини асар сарлавҳасига олиб чикиб, асар номини «Садди Искандарий» — «Искандар девори» деб атади.

Навоий достонида Искандар Кирвон ўлкасига етишганида, бу ернинг халки унга мурожаат этиб, ўзларини Яъжуж-Маъжуж балосидан халос этишини сўрайди. Бу балолар хар йили икки марта маконларидан чикиб, водийга ёйилади. Хамма ёкни хонавайрон килиб, кўлга тушган одамларни еб, сўнг кайтиб кетади.

Искандар одам юбориб, Рус, Шом, Румдан усталар келтиради. Мис, рух, калай, бронза, темир, кўргошинни эритиб, тоғ жинслари билан кориштиради. Узунлиги ўн минг карн, биноти беш юз карн девор олти ойда куриб битказилади. Деворнинг баландлиги уч юз карн эди.

Ки неча минг устоду санъатгарий
Тамом этдилар Садди Искандарий.

Айтишларича, Яъжуж-Маъжужлар Искандар деворини кечаси билан ялаб, тонггача пиёз пўстича холатга келтирар экан: Тонгда азон товуши эшитилиш билан девор ўз холатига кайтиб, уларнинг йўллари беркитилар экан. Киёматнинг бир белгиси Яъжуж-Маъжужларнинг ер юзига чикишидир.

Навоий достонида Искандар Файлакуснинг асранди ўгли деб берилган. Рум шохи Файлакус бир куни овдан кайтаётиб, йўл устидаги вайронада янги тугилган чакалокни кўради. Унинг онаси хомиладан бўшагач, вафот этган эди. Тирнокка зор шох уни саройга олиб келиб, валиахд деб эълон килади.

Навоий замонида шох ўлгач, тахтга лойикми, лойик эмасми, албатта, шох зурриёти ўтирар эди. Навоий Искандар тимсоли оркали бу удумга карши чикиб, тахтга муносиб одам ўтиришини орзу килмокда.

Достонда Навоийнинг яна бир орзуси берилган: шох атрофида олимлар жамланган

бўлиши шарт. Шох хар бир тадбирни уларнинг маслахати билан амалга оширса, мақсадга мувофиқ бўлади. Искандар машхур олим Никумоҳис кўлида тарбия топади, унинг ўгли Арасту билан дўстлашади.

Искандар ер юзини, сув остини эгаллайди. Жаҳонгирликнинг нима билан тугабини Навоий Искандарнинг ўлими тимсолида намоён этади. Ер юзаси, бахрлар ва сув остини забт этган Жаҳонгир кизиган кумлоқда, ёлғизликда, бир калкон соясида дунёдан ўтади. У ўлим олдидан онасига ёзган мактубида бутун килган ишлари хом эканини, хатолигини бўйнига олади. У онасига мурожаат қилиб:

Санга айлабон хоки даргоҳлик,
Анинг отин этсам эди шохлик, —

деб кечиккан орзусини баён этади.

Шундай қилиб, Навоий бутун хаёти ва ижодини Куръон оятлари, хадислар асосига қурган қомил муслмоннинг ибратли намунасидир. Шоир хамиша Куръон ўқишни, унинг гоёларига амал қилишни қомилликнинг асосий шarti деб тушунади.

Олам эли ичра гар гадо, гар шох эрур,
Не дардқи, ул кўнгли аро хамроҳ эрур.
Куръонни тиловат этсун ар огоҳ эрур,
Эл кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур.

Навоий умрининг охирида «Муножот» асарини ёзди. Шоир бунда ўзининг хаётий ва ижодий йўлига яқун ясайди. «Муножот» Аллоҳга тазарру баёнидан иборат. Навоий унда давр, муҳит билан боғлиқ армон-ўқинчларини, инсоннинг асл хис-туйғуларини қаламга олади. «Муножот» Навоий эзгу ниятларининг, самимий интилишларининг тажассуми ўлароқ, моҳиятан келажак авлодларга битилган бир мактубдир. Навоий бу асарида ҳам инсонни нафсини англашга чорлаб, маънавий қамолот, имон-этикод устуворлигини тараннум этади. Асардан намуналар:

«Илоҳи, агар хавасдан бош-оёғ яланг хар ён югурдим, бошдин-оёғим ёмон эрканин халойикка билдирдим.

Илоҳи, йигитлигим бу навъ хам қатиг ўтти, хам ачиг, қариллигда юз қатла ўзумни ўлтурсам не асиг.

Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг, риёдин асра ва ибодатқа йўл кўргузсанг, хатодин асра. Илоҳи, беилож дардга алил қилма ва бемурувват номардга залил қилма.

Илоҳи, подшоҳи Исломи муслимин бошига тутқил бардавом, яъни, бандаларнинг устига қўлангқанни қил мустадом, то шоҳу гадога дуоғўйлик қилмиш бўлғаймен, вассалом».

Баҳром Жалилов